

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Хўжакулова Н.Р.

“Инновацион иқтисодиёт” кафедраси асистенти (ҚарМИИ)

Аннотация: Ҳозирги вақтда доривор ўсимликлар мамлакатимизнинг ихтисослашган фермер, ўрмон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида етишишилади. Лекин, уларни етишиши технологиялари мукаммал ишилаб чиқилмаганлиги сабабли, айрим ечилиши ва ишилаб чиқилиши лозим бўлган муаммоларни келтириб чиқараюнти. Шу боис ҳам фармацевтика саноатини сифатли, мўл, таннархи арzon ва экологик соғ хом-ашё билан таъминлаши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада ана шу муаммолар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, фармацевтика, саноат, иқтисодиёт, экспорт, иқтисодий самарадорлик.

Аннотация. В настоящее время выращивание лекарственных растений осуществляется фермерскими, лесными хозяйствами и другими формами собственности хозяйств. Поскольку, технология выращивания их до сегодняшнего дня нуждается в совершенствовании и вследствие этого появляются некоторые проблемы, требующие решать своевременно и на должном уровне. В связи с этим обеспечение фармацевтическую промышленность качественным, недорогим, экологически чистым и в большом количестве лекарственно-растительным сырьем является одним из основных задач. Об этом идет речь в данной статье.

Ключевые слова: лекарственные растения, фармацевтика, промышленность, экономика, экспорт, экономическая эффективность.

Abstract: Currently, the cultivation of medicinal plants is carried out by farms, forestry and other forms of ownership of farms. Since the technology of growing them to this day needs to be improved and as a result of this there are some problems that need to be solved in a timely manner and at the proper level. In this regard, the provision of the pharmaceutical industry with high-quality, inexpensive, environmentally friendly and large quantities of medicinal plant raw materials is one of the main tasks, which is what this article is about.

Key words: medicinal plants, pharmaceuticals, industry, economics, export, economic efficiency.

1. Кириш. Қадим-қадимдан инсоният ўсимликлардан шифобахш восита сифатида фойдаланиб келади. Доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар авлоддан-авлодга, қабиладан-қабилага фақат оғзаки тарқалган. Давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа муносабатлар ўрнатилгандан сўнг, ана шу давлатларда бошқа давлатлардан келтирилган доривор ўсимликлар ҳисобига доривор ўсимликлар маҳсулотининг тури кўпая борди. Ёзув пайдо бўлганидан кейин доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар ёзма равишда тарқала бошлади. Инсонлар қадим замонлардан бўён турли хил гиёхларнинг даволовчи ва қувват берувчи хусусиятларини билишган ва бу билимларини турли хил хасталикларни

даволашда ишлатишган. Улар ичида ҳозирга қадар ўз қимматини йўқотмаган ва амалиётда ишлатиладиган турли хил гиёхлардан тайёрланадиган доривор таркибларни топиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи анъанавий тиббиёт аллақачон дунёнинг бир қатор мамлакатларида, айниқса Осиё мамлакатларида муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи, мамлакатимизда эса 1,2 минг турдаги доривор ўсимликларнинг 112 таси фармацевтика саноатида ишлатилади. Ўзбекистон доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича дунё давлатлари ўртасида ўзига хос тарихий ўрни ва нуфузига эга. Бобомиз Абу Али ибн Сино доривор ўсимликларни тиббиётда амалий жиҳатдан фойдаланиш самарасини исботлаган. Унинг ноёб асарларини дунё олимлари тан олиб, бугунги кунгача қўллаб келмоқда.

2. Адабиётлар таҳлили. Ҳозирга кунда фан-техника жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, турли жабҳаларда ютуқлар кўзга ташланмоқда. Тарихга назар ташласак, ибтидоий одамлар орасида ҳам ўз даврининг зукко табиблари бўлганлигига гувоҳ бўламиз, яъни улар орасида касаллик борасида ҳаёт тажрибаси кўпроғи бошқаларига йўл-йўриқ кўрсатган. Кейинчалик, вақт ўтиши билан ўсимликларнинг дориворлик хусусияти аниқланиб, доривор гиёҳлар билан даволаш усувлари такомиллашиб борган. Ҳозирги кунда, айниқса, табиий ўсимликлардан тайёрланган дориворлик хусусияти аниқланиб, доривор гиёҳлар билан даволаш усувлари такомиллашиб борган. Ҳозирги кунда, айниқса, табиий ўсимликлардан тайёрланган дориворлик хусусияти аниқланиб, доривор гиёҳлар билан даволаш усувлари такомиллашиб борган. Ҳозирги кунда, айниқса, табиий ўсимликлардан тайёрланган дориворлик хусусияти аниқланиб, доривор гиёҳлар билан даволаш усувлари такомиллашиб борган.

Доривор ўсимликлар маҳсулотига эҳтиёж ўсиб бориши натижасида уларнинг хом ашёсини тайёрлаш миқдори ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида қатор доривор ўсимликларнинг кўп ўсадиган жойида камайиб кетиши, натижада уларнинг хом ашёсини тайёрланишини кескин чегараланиши ёки бутунлай тўхтатилишига олиб келиши мумкин. Шуларни инобатга олиб суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида доривор ўсимликларни етиштириш, ҳамда уларнинг хом-ашёси ва сифатига ўғитларни таъсирини ўрганиш ҳозирги даврнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

3. Таҳлиллар ва асосий натижалар.

Бизнинг юртимиз доривор ўсимликларга бой. Маҳаллий флорага мансуб 4.3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. 2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори жуда долзарбdir [1]. Ушбу Қарорда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштириш зарурати белгилаб қўйилган. 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш учун кластерлар яратиш, шунингдек, доривор ўсимликларни етиштириш бўйича худудларни ихтисослаштириш ишлари белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан таклиф этилган кластер тизими ўзининг ҳозирги глобаллашув даврида ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида, ҳар бир имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиб жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни етказиб бериш аграр секторда, жумладан пахтани етиштиришдан то уни комплекс қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида енгил саноат маҳсулотлари, озиқ овқат саноати маҳсулотлари (пахта ёғи ва ундан

тайёрланадиган маҳсулотлар) ҳамда чорвачилик учун озуқа (хар хил емлар, премикслар) ишлаб чиқариш имкониятларини кескин ошириб, аграр соҳада янги тизим кластер тизими яратилганини эътироф этиш керак[1-2]. Қарорда қўйилган вазифалар ташкил этилаётган кластерлар олдига доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш ҳисобига турли хил ҳалқ табобатида, соғлиқни сақлаш тизимида ишлатиладиган дори препаратларини яратиш, ишлаб чиқариш ва импортдан кириб келаётган шу йўналишдаги препаратларни ўрнини маълум ҳажмда эгаллаш ва экспорт қилиш имкониятини яратади. Қарорда шу йилнинг 1 июнидан тайёр маҳсулотни сотиш бўйича кластерлар олдига қўйилган вазифалар “Доривор ўсимликлар” деб номланган янги саноат йўналишини яратади.


Иzlанишларимиз натижасида қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш масалалари ўрганилган бўлиб, истиқболда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашда инновацион технологияларни жорий этишни кенг ривожлантириш бўйича илмий хulosалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, мантиқий ёндошув, қиёсий таҳлил каби усувларидан кенг фойдаланилган.

Бугунги кунда доривор ўсимликларни етиштиришнинг илмий асосларини, ўсимлик материалларини чуқур қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда биохилма-хилликни ўрганиш ва йўқолиб бораётган ёввойи доривор ўсимликларни ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек табиий плантацияларни қуриш орқали уларни тиклаш бўйича вазифалар долзарб масала ҳисобланади. Доривор ўсимликларни етиштириш, ҳимоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш кўп мутахассисларни, жумладан ботаниклар, фармакологлар, кимёгарлар, биокимёгарлар, технологлар, манбашунослар ва бошқа мутахассисларни ҳамкорлиқда ишлашни талаб қиласди. Мутахассисларни сўзларига кўра, ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш учун уни ҳар томонлама – структуравий, функционал, таксономик ва эволюцион билиш керак. Буларнинг барчаси замонавий тиббиётда ва ҳалқ табобати соҳасида малакали кадрларни тарбиялашда ҳамда маҳаллий ўсимликларни чуқур қайта ишлаб, ҳалқимиз соғлиги учун зарур дori воситаларни олишнинг илмий асосини яратишда ва олинган илмий тажрибаларни фармацевтик эркин иқтисодий зоналарга трансфер қилишда ўз аксини топади, албатта. Булар эса мамлакатимизнинг қимматли доривор ўсимликларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ илм-фан, бизнес, ҳалқ табобати удумлари, фармацевтика ишлаб чиқариш имкониятларини тартибга келтиради

Суғориладиган майдонларда ўстириладиган доривор ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан катта фарқ қиласди, яъни ўстириладиган доривор ўсимлик маҳсулотида бегона ўсимликлар аралашмаси бўлмайди. Агротехника қоидалари асосида ўстирилган доривор ўсимликлар серҳосил ва биологик фаол моддаларга бой бўлади[6]. Умуман олганда, фармацевтика саноати корхоналари эҳтиёжларини доривор ўсимликлар хомашёси билан тўла-тўқис, узлиksiz таъминлаш, ҳамда доривор ўсимликлар ҳом ашё базасини яратиш учун уларни экиб ўстириш, ҳамда уларнинг экин майдонларини кенгайтириб, доривор ўсимликлар дехқончилигини республикамизда ривожлантириш, қишлоқ хўжалигимиз фанлари олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 148 та корхонаси 2000 дан зиёд номдаги доривор воситаларни ишлаб чиқармоқда, бу эса бозор улушининг 55% дан ортигини ташкил этади. Ушбу дорилар 35 фармакологик гурухларга киради ва тиббиётнинг 28 йўналишида фойдаланилади. 8500 дорилардан 6300 тури импорт қилинади. Ҳалқаро тиббий амалиётда

қўлланиладиган 350 доривор ўсимлиқдан, республикада саноат плантацияларида 71 тури етиширилди [14].



1-расм. Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидағи ўрмон хўжаликларида 2022 йилда етиширилган доривор ўсимликлар тўғрисида маълумот (тоннада)

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, Қашқадарё ва Дехқонобод ДҮХ ларида доривор ўсимликлар етиширилиши қониқарли ҳолатда бўлса, Жовуз, Яккабог ҳамда Муборак ДҮХ ларида эса доривор ўсимликлар етишириш ҳолатини яхши деб баҳолаб бўлмайди. Бу эса Фармацевтика корхоналари капиталининг 35,7% ни хорижий ҳамкорлар улуши, 64,3% ни маҳаллий иштирокчилар улуши ташкил этади. Биз буни юқоридаги жадвалда кўрсатилган ширинмия доривор ўсимлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда етиширилган доривор ўсимликларнинг асосий истеъмолчиси фармацевтика корхоналари ҳисобланади [14].

Қашқадарё вилоятининг табиати айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қулай иқлим шароитига кўра бой ва турли хил ранг-барангликка эга. Дастребки ҳисоб-китобларга кўра, бу ерда илмий тиббиётда қўлланиладиган ёки тавсия қилинадиган 120 дан ортиқ, халқ табобатида фойдаланиладиган 1000 дан ортиқ ўсимликлар турлари учрайди [4]. Лекин, айни пайтда расман ҳом ашё сифатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар тури 40 тадан ошмайди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимида 8 та ўрмон хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Бу ўрмон хўжаликларида жами 50 га яқин доривор ўсимликлар турлари етиширилиб келинади.

Айни пайтга қадар доривор ўсимликларни етишириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳамда таҳлиллар шуни кўрсатаябдики, нафақат вилоятимизда балки бутун мамлакатимизда ушбу соҳада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаяпти.

Айниқса, бутун дунёда вирусли-инфекцион касалликлар авж олган ҳозирги даврда ўсимлик ҳом ашёларидан тайёрланадиган ҳамда инсон организми учун зарарсиз, инсон иммунитетини кўтарадиган табиий дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Бундан ташқари доривор ўсимликларни етишириш яхшигина даромад манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади. Етиширилган доривор ўсимликларни ҳом ашё ҳолида сотиш билан уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш ўртасидаги молиявий тафовутни мойчечак мисолида кўриш мумкин[3].

Бугунги кунда мойчечакнинг қуритилган ҳолдаги гулининг бир килограммини қайта ишловчиларга 25-35 минг сўмга сотиш мумкин. Ваҳоланки, дорихоналарда мойчечакнинг кичик 2 граммлик пакетчаларда қадоқланиб, ўн донаси жойлаштирилган картон кути идишдаги сотилиш баҳоси 5-6 минг сўмдир. Бундай пакетларда қадоқланган 1 килограмм мойчечакнинг нархи 250-300 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, хомашё холида сотиладиган маҳсулот билан қайта ишланган, тўғридан-тўғри истеъмол қилиш холига келтирилган, харидоргир маҳсулотнинг нархи ўртасидаги фарқ ўн баробар. Тажрибалар шуни кўрсатдики, маданий ҳолда 1 гектар валериана илдизи етиштириш учун 11 млн. сўм сарфланиб, 50 млн. сўм даромад олинади. Бунда соф фойда 39 млн. сўмни ташкил этади. Маданий ҳолдаги тожик ковраги етиштириш учун эса 45 млн. сўм сарфланиб, 63 млн. сўм даромад олинади. Соф фойда эса 18 млн. сўмдан иборат бўлади. Коврак ширасини қайта ишлаб, ярим тайёр маҳсулот шаклида, шунингдек қайта ишланган қизилмия илдизи экстрактини ярим тайёр маҳсулот кўринишида 180 млн. долларгача экспорт қилиш мумкин. Кўриниб турганидек, доривор ўсимликлар шифобахшлиги билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам ғоят фойдалидир[9].

Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини жадаллик билан ривожланиши доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Табиий ҳолда ўсуви доривор ўсимликлар захираси етарли эмаслиги фармацевтика саноати корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган эҳтиёжини, ушбу ўсимликларни етиштириш орқалигина қондириш мумкин эканлигини кўрсатади [11].

4. Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, доривор ўсимликларни самарали етиштириш доривор ўсимлик хом ашёси бозорининг шаклланишига таъсир кўрсатиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини химоя қилиш ва аҳоли ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш, шу билан бирга, бозор иқтисодиётida доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан тартибга солиш ва нафақат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, балки доривор ўсимликларни етиштириш учун ихтисослашган ташкилотларни яратиш, экологик тоза доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш билан муҳофаза қилиш ва мувофиқликни таъминлаш керак.

Табиатдаги доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, плантация усулида етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай агробизнес мұхитини яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш асосида инновациян ғоялар кабилар мұхим аҳамият касб этади.

Бундан шу нарса аниқ бўлмоқдаки, ўсимлик хом ашёларидан тайёрланадиган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайн ортиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишини тақозо этади. Бунда эса қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантириш дастурларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш, ушбу соҳада ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини юритиш;
- доривор ўсимликлар ўсиши учун қулай ҳудудларда маҳсус плантациялар ташкил этиш, шу жумладан етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш орқали ва табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни етиштириш ҳажмларини босқичмабосқич ошириб бориш;

- плантацияларни ташкил этиш, доривор ўсимликларни саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори кўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;
- доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш.

Адабиётлар

1. 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли Қарори
2. 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори.
3. 3.Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик), - Т.: “Иқтисод молия” 2018, 402 б.
4. 4.Тўхтаев Б.Ё., Махкамов Е.Х. ва бошқалар Доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом ашёсини тайёрлаш-(йўриқнома),-Т.: 2015 йил.
5. 5.Саттаров Ж.С. Биоразнообразие и ресурсы дикорастущих лекарственных растений в некоторых районах Центрального Таджикистана- (диссертация “доктор наук”) 2020 г.
6. 6.Почупайло О.Е. Государственная поддержка предпринимательской деятельности в сфере производства лекарственного растительного сырья (на примере Республики Крым)-(автореферат)-“Симферополь” 2019 г.
7. 7.Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик), - Т.: “Иқтисод молия” 2018, 402 б.
8. 8.Хўжақулова Н."Пандемия шароитида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш масалалари" // Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти// "Сервис" илмий-амалий журнал. 2020 йил маҳсус сон, 47-50 бетлар.
9. 9.Хўжақулова Н.Р. “Аҳоли саломатлигини яхшилаш ва иқтисодиётни ривожланишида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асосларини янада яхшилашнинг аҳамияти” // “Инновацион технологиялар” Илмий-техник журналининг 2020 йил 4-сон, 96-100 бетлар.
10. 10.Виноградов А. В. Список лекарственных растений, применяемых в народной медицине Средней Азии / Сб. науч. тр. Туркменского гос. мед.ин-та. 1950. –Т. 4. –С. 338-347.
- 11.Исмоилова С. “Фармацевтика саноати учун ноёб доривор ўсимликларни етиштириш”, "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 3 June 2020 111 www.openscience.uz
12. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси маълумотлари.
13. http://www.agriculture.uz/filesarchive/Muxammadiev_B.O'quv_qo'llanma.2018.pdf